

Лойиҳа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСИГА
ТИНГЛОВЧИЛИККА НОМЗОДЛАР УЧУН**

СУҲБАТ ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ – 2017

Академиянинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тингловчиларни қабул қилиш бўйича суҳбат ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Илмий кенгашининг 2017 йил _____ -сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

- Хамрахуджаев Н.Я. – Давлат бошқаруви академияси “Менежмент назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, и.ф.н.
- Махмудов. И.И. – Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси доценти, п.ф.н.
- Асадов Ш.Ғ. – Давлат бошқаруви академияси “Фуқаролик жамияти асослари, ўзини ўзи бошқаришнинг шакл ва услублари” кафедраси доценти, ю.ф.н.

Такризчилар:

- Рахимова Д.Н. – Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, и.ф.д., проф.
- Султанова Л.З. – М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, кафедра доценти, пс.ф.н.

КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.2- бандида давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш вазифаси белгилаб берилган. Мазкур ислохотлар замирида мамлакатимизда бошқарув кадрларини сифатли тайёрлаш бўйича Давлат бошқаруви академиясига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Академиянинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тингловчиларни қабул қилишда суҳбат шаклидаги синов номзодларни саралашнинг босқичларидан бири ҳисобланади. Суҳбат ёрдамида номзоднинг бошқарув кўникмалари, психологик барқарорлик ва жамоада ишлай олиш қобилияти каби сифатлари аниқланади ва баҳоланади. Ушбу дастур саралаш синовларининг суҳбат шаклида номзодга қўйиладиган асосий талабларнинг мазмунини белгилайди ва номзодлар учун суҳбат синовига тайёргарлик кўришга умумий йўналишларни беради.

Академиянинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсига киришга номзодлар суҳбат мобайнида тақдим этилган бошқарувга доир муаммоли вазият (кейинги ўринларда – кейс)ни таҳлил этиш орқали бошқарувнинг қонуниятлари, тамойиллари, функция ҳамда вазифаларини, шунингдек, бошқарув тизимида раҳбарнинг ўрни, маданияти ва услуби, бошқарув самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи бошқарув қарорларининг мазмун-моҳиятини очиқ бериш билим ва кўникмаларини намоён қилишлари талаб этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

I. Кейс таҳлилига умумий тавсиф

Кейс – ташкилотдаги реал воқеаларга асосланган ва бирон муаммони ҳал этиш талабини назарда тутувчи ҳодиса баёни.

Номзод кейсни таҳлил қилар экан берилган муаммони бир неча ёндашув (ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий) асосида ўрганиб чиқиб, ўз нуқтаи назарини баён этади. Биринчидан, қабул қилинадиган қарорнинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратади, мазкур қарорнинг мавжуд қонунларга қанчалик мослиги ҳақида фикрлайди. Иккинчидан, ушбу қарорни асослашда унинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олади ҳамда унинг ижросига таъсир этувчи омилларга эътибор қаратади. Бундан ташқари, ўз қарори ва унинг ижросини жамоада шаклланган ижтимоий-психологик муҳит, раҳбар ва ходимлар шахсининг ўзига хос жиҳатлари билан уйғунликда таҳлил қилади.

Шунингдек, кейсни баҳолашда қуйидагиларга:

номзод нафақат муаммонинг айрим белгиларини, балки вазиятни яхлит ҳолда таҳлил қила олиши, муаммони тўлиқ аниқлай олиш қобилиятига;

номзоднинг муаммога ҳар томонлама, комплекс тарзда ёндашувига;

номзоднинг муаммоли вазиятга нисбатан қарор қабул қилишда қандай қадриятлар ва ахлоқий меъёрларга таяниши;

муаммоли вазиятни ҳал этишда номзод таклифларининг бошқарув билимлари билан асосланганлиги даражасига эътибор қаратилади.

II. Номзоднинг шахсий сифатларини аниқлаш бўйича интервью

Мазкур бўлимда ҳайъат аъзолари томонидан номзоднинг давлат бошқаруви соҳасида муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур бўлган компетенцияларининг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида саволлар берилади. Шу муносабат билан суҳбат бошқарув кадрлари учун муҳим ҳисобланган қуйидаги шахсий сифатларини аниқлаш бўйича ўтказилади:

- бошқарув кўникмалари;
- психологик барқарорлик;
- жамоада ишлай олиш қобилияти.

Номзодларга берилиши мумкин бўлган саволлар йўналишлари:

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига доир йўналиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан белгилаб берилган мамлакатни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши:

- Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
- Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
- Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг асосий жиҳатлари.

Давлат бошқаруви йўналиши

Давлат ҳокимияти ва унинг белгилари. Демократик давлат. Ҳуқуқий давлат. Суверен давлат. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши ҳамда ваколатларининг тақсимланиши. Давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар.

Давлат бошқаруви шакли: республика ва монархия. Давлат тузилиши шакли: унитар давлат, федерация ва конфедерация. Давлат сиёсий режими мазмуни ва унинг турлари.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими. Давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикасининг Президенти фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти органлари тизими. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти тизими.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларига доир йўналиш

Бошқарувдаги ижтимоий-психологик методлар инсонларнинг ижтимоий эҳтиёжларига таъсир этиш воситаси сифатида. Давлат

бошқарувида, хўжалик ва жамоа ташкилотлари бошқарувида ижтимоий психологик методларни қўллаш имконияти. Ишонтириш, жамоада меъёрларни яратиш, маънавий рағбатлантириш услублари самараси. Жамоадаги низолар ва уларни ҳал этиш имкониятлари, раҳбарлик услуби, жамоадаги лидерлик ва раҳбарнинг шахсий сифатлари.

Бошқарувнинг маъмурий-ташкилий усулларига доир йўналиш

Бошқарувнинг маъмурий усуллари бошқарув объектига бевосита маъмурий таъсир ўтказиш усули сифатида. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фармойиш, буйруқ ва кўрсатмалар.

Бошқарувнинг ташкилий усуллари бошқариш субъектининг бошқарув объектига нисбатан ташкилий таъсир чоралари мажмуи сифатида.

Ташкилий регламентлаш. Ташкилий меъёрлаш бошқарув объектига таъсир ўтказиш усули сифатида. Меъёрлар ва меъёрлаштириш: бошқарув органлари аппарати, уларнинг сони, бошқарувчанлиги.

Ташкилий-услубий йўриқномалар бериш. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг функцияларини бажариш бўйича йўриқномалар бериш: ҳужжатларнинг бажарилишини назоратга олиш, фуқаро мурожати бўйича ишларни ташкил этиш, иш юритиш бўйича. Оқилона бошқарув қарорларини излаш бўйича йўриқномалар бериш, тақсимот ва тасарруф этиш юзасидан ҳужжатларни тайёрлаш, бошқарув органларининг корхона ва ташкилотлар билан ўзаро алоқалари бўйича. Муайян бошқарув ишларини бажариш бўйича раҳбар томонидан бериладиган йўриқномалар.

Бошқарувнинг асосий функцияларига доир йўналиш

Функция бошқарув жараёни мазмунини ташкил этувчи асосий компонентлардан бири сифатида. Бошқарув функцияси бошқарув субъектининг бошқарув объектига кўрсатадиган таъсирининг фаолият соҳаси сифатида. Бошқарувда режалаштириш, ташкиллаштириш, рағбатлантириш ва назорат. Стратегик режалаштириш. Бошқарувда ресурслардан оқилона фойдаланиш. Рағбатлантириш усуллари ва улардан фойдаланиш. Мониторинг ва назоратни ташкил этиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи: Ўқув қўлланма/ А.А.Тўлаганов таҳрири остида. – Т.:ТДЮИ, 2006. – 232 б.
3. Антонова Н. Б. Государственное управление. – Беларусь, 2012. – 440 с.
4. Асадов Ш.Ф. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма. – Т.: DeHaus Print, 2012. – 179 б.
5. Болтаев А.Р. Исполнительная власть в Республике Узбекистан. Монография. –Т.: ТДЮИ, 2006.-268 с.
6. Бурков В.Н., Коргин Н.А., Новиков Д.А. Введение в теорию управления организационными системами. – М.: Либроком, 2009. – 264с.
7. Махмудов И. Бошқарув психологияси. –Т.: Akademiya, 2005. – 160 б.
8. Махмудов И. Раҳбар шахс психодиагностикаси. Т. Akademiya, 2014. – 76 б.
9. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 2005. – 344 б.
10. Холбеков А. Бошқарув социологияси. – Т.: Akademiya, 2008. – 135 б.
11. Хожиев Э., Исмаилова Г., Рахимова М. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма. – Т.: Vaktria press, 2015. – 172 б.

12. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. – Т: Адолат, 2013. – 542 б.

13. Қосимова Д.С. Менежмент назарияси: Дарслик/Қосимова Д.С. – Т.: Tafakkur-bo'stoni, 2011. – 336 б.

14. Daft R. Management. Textbook. 12th edition. – South-Western: Cengage Learning, 2010.

15. Drucker P. Management. Textbook. Revised edition. – NY: Harper Collins Publishers, 2008.

Электрон таълим ресурслари

16. www.gov.uz.

17. www.lex.uz.

18. www.edu.uz